

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР.

**Наргиза Насирова**

*Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари*

*университети*

*E-mail:*

Хозирда биз янгиланиш ва тез ўзгарадиган замонда яшаб, фаолият юритиб келмоқдамиз. 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим" иили деб эълон қилинди. Ўзбекистонимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистонда инновацион технологияларини кўллаб-қувватлаш, инвестициялар ҳамда ижтимоий ривожланиш, илм-фанни тизимли рақамлаштириш, иқтисодни ривожлантириш, ёшларни кўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш жуда катта эътибор берилиб келмоқда. Шу борада хамма соҳаларда рақамлашаётган бир пайтда хорижий тилларни ўрганишнинг ўрни бекиёс каттадир. Яхши таълим олиши учун барча шароитлар яратилиб берилган. Хорижий тилларни ўрганишда ўқиш, ёзиш, гапириш, эшитиш каби кўнилмалар ёзма таржима ва оғзаки таржима кўнилмалари билан мантиқий тарзда тўлдирилиши мумкин ва бу хол **илмий** асосларга эга. Масалан, бизга жуда яхши маълум бўлган ўша тўртта кўнилмадан иккитаси, яъни ёзиш ва гапириш продуктив, нутқни тушуниш билан қай даражада боғлиқ бўлса, оғзаки ёки ёзма таржима ҳам муайян нутқ ёки нутқ бирлигини тушунишни тақозо қиласди. Ўқувчи талаба амалга оширадиган ҳар қандай таржима орқали эса, у тегишли нутқни қай даражада тушунгани ҳам, талқин қилгани ҳам намоён бўлади. Тилшуносликнинг муҳим тармоқларидан бири лексикография лексикология билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асосан, лексикологик тадқиқот натижаларидан фойдаланади. Терминология ва терминологик тадқиқотлар ўртасида ҳам худди шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Терминологлар томонидан ўрганилган кўплаб муаммолар муайян соҳага тегишли терминологик луғатларни ишлаб чиқиши амалиётида юзага келган. Бу ҳодисалар терминологик луғатларни тузиш асосларини ишлаб чиқишига асос бўлди. Махсус соҳага тегишли сўз бирикмаларни ўрганиш терминография билан боғлиқ, чунки терминологияни аниқлаш, тадқиқ қилиш ва тартибга солиш бўйича амалий натижалар луғат ҳолатида шаклланади. Лексикографиянинг бир бўлими сифатида пайдо бўлган терминография ҳар доим терминологик

бирликларни қамраб олган бўлади. Биз хорижий тилларни ўргатаётганда талабаларни билимни текшираётганда уларнинг сўз бойлигини, сўзларни ёдланган жараёнларини текшириш мухим аҳамиятга эга. Лексикографиянинг бир бўлими сифатида пайдо бўлган терминография ҳар доим терминологик бирликларни қамраб олган бўлади. Ўзбекистон ўз таълимни дунёга кўз-кўз қиласиган давр келмоқда, президент Мирзиёев Ўзбекистонда “учинчи Ренессансга пойдевор қўйди. “Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълимтарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган. Учинчи Ренессанс даврининг аломатларидан бири бу “масофавий таълим” ва албатта “аралаш таълим”дир. Бу эзгу ғоя замирида бугунги ва эртанги авлодларимизнинг янада ўз устиларида ишлаш ва янги технологияни таълим тизимига олиб киришдир. Жумладан, педагогларнинг ва талабаларнинг педагогик компонентлигини ошириш ва ривожлантириш мақсадида амалий технологик тизим ва электрон ўкув ресурслар, комуникатив қобилиятини ривожлантириш “интеллектуал интерфейс”, замонавий кўп тармоқли интерфейс ва албатта масофавий таълим ва аралаш таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг методик тизимни янада такомиллаштириш мухим касб тақозо этади. Бизнинг университетимизда масофавий таълим бўлими фаолият кўрсатмоқда. Масофавий таълим тизими учун барча фанлардан контентлар яратилиб тизимга юклangan талабалар вазифаларни онлайн бажариб, тизимга юклашади, ўқитувчилар вазифаларни текшириб баҳолайдилар. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуасидан фойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватловчи ишчи ходимларни аъло даражада тизимни бошқариб келинмоқда. Бу таълимнинг авзал тарафлари талабалар талаба ишлаб хам ўқиш имкониятларига эга. Маълумки, олий таълимни ислоҳ қилиш, янгилаш, такомиллаштиришда замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўлларидан бири компетентли ёндашув ҳисобланади. Компетентли ёндашув қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имконини беради: - талабаларнинг мақсадлари билан педагогларга кўйилган таълим мақсадини мувофиқлаштириш; - ўқиша талабаларнинг масъулиятилиги ва мустақиллигини секин-аста ошириш.

хисобига ўқитувчининг меҳнатини енгиллаштиришталабалар ишини таълим мазмунини механик қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушини ошириш ҳисобига енгиллатиш; - ўкув ва тарбиявий жараёнлар бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш; - талабаларни онгли ва масъулиятли таълимга тайёрлаш. Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълим ривожланишини белгилаб берадиган Болония жараёни доирасида компетенцияларга асосланган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу ёндашув нуқтаи назаридан инновацион таълим учун компетентли педагог кадрларни тайёрлаш масаласи шу куннинг долзарб муаммолари бўлиб ҳисобланади. Таълим жараёнида ўкув жараёни доимий назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади. Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, муқаммал педагогик компетентликга эга рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш муаммосини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, педагогик компетентликни муваффақиятли ривожлантириш жараёни боғлиқ бўлган масалаларни аниқлаш ва тизимлаштириш, бу муаммони умумий қасбий компетентликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари устувор вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Республикаизда сўнги йилларда олий педагогик таълимга айниқса рақамли технологияларни кенг тадбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун хам давлат раҳбари илм-фанга бўлган юксак эътиборни янада оширмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннынг ўсиш сурати жадаллашмоқда. Катта эътибор илмий-инновацион тузилмалар, илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари ва янги олий таълим муассасаларига қаратилган. Ўқитувчининг профессионал жихатдан мухим сифатларини, шунингдек педагогик йўналганлигини унинг чет тилини дарс бериш мотивациясидан ва маҳоратнинг шахсга оид ташкил этилгани дарс жарёнида яққол кўринади. Профессионал малакали мутахассис ўз қасбига қизиқиши, қасбининг ижтимоий аҳамиятига ишончи, тарбиявий мақсадларга эришишга эҳтиёж, ижтимоий фаоллик, малакали кадрларни етказиб беришга мисол бўлади.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Басқаев Р. М, О состоянии и некоторых тенденциях современной подготовки педагогических кадров в России и за рубежом // Вестник Университета Российской Академии Образования. - 2007. - N 2. - С.. 81.
  2. Турниёзов Н.к. «Нутқ ва унинг эгоцентрик характери хусусида баъзи мулоҳазалар» Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. Самарқанд ДЧТИ, 2005. - Б. 21-22.
  3. Ёкубов Ж.А. «Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари». - Т.: Фан, 2005. -Б. 224
  4. Якубов Ж.А. Модальность условных предложений и их синонимические
- 
4. Xorijiy filologiya til-adabiyot-ta'lif//Ilmiy-uslubiy, adabiy-badiiy journal. Samarqand. 2007 4 (25)
  5. Eshmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'lifda innovatsion t
  6. Комарова З.И. Семантическая структура специального слова и ее лексикографическое описание. – Свердловск: Изд-во Урал. ун-та, 1991. – С. 40.  
exnologiyalar. Toshkent 2008.